# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 13 декабрь, №251 (3263) Шанба


## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкентда 12 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессияси ишининг иккинчи куни "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик ҳавола этди.

Ушбу ҳужжат муҳокамасида Қоракўл тумани ҳокими А.Раҳмонов, "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонаси бошлиғи О.Муродов, Сурхондарё вилояти офтальмология шифохонаси бош шифокори Р.Муҳаммадиев, Ўзтелерадикомпаниянинг "Ўзбекистон" телеканали бош директори А.Аъзам иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси ўринбосари С.Солиевнинг маърузаси бўйича депутатлар "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Ғузор тумани ҳокими Х.Бозоров, Қўқон шаҳридаги тиббиёт коллежи директори З.Охунова, "Бухоросувқурилиш" акционерлик жамияти раиси ўринбосари Э.Ҳайдаров мазкур ҳужжат бўйича ўз фикрларини билдирди. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева "Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этди. Ушбу масала юзасидан муҳокама чоғида Қамаши тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Ғофуров, Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Ш.Салимова, "Урганчёғ" очиқ турдаги акционерлик жамияти директори ўринбосари К.Хўжамуродов, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова, Наманган вилоятидаги Норин-Сирдарё ирригация кўл тизими бошқармаси бўлими мудири Х.Сайдуллаев ўз фикрини билдирди. Парламент ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Сессияда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев қатнашди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов Олий Мажлиснинг қатор қўмиталари ва комиссиялари номидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун депутатлар эътиборига ҳавола этди ва мазкур қонун қабул қилинди.

Сессияда депутатлар Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг туман маъмурий-ҳудудий тузилмаларини тугатиш ҳамда Навоий вилоятининг Навоий тумани чегараларини кенгайтириш ва номини ўзгартириш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламент Олий Мажлис сессияси Котибияти раҳбари Д.Тошмуҳамедованинг фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ф.Муҳиддинованинг таклифига биноан, Олий суд таркибига ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломовнинг таклифига кўра, Олий хўжалик суди таркибига ҳам ўзгартишлар киритди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини якунлади.



## «Қосим карвон»нинг ибрати

*Қуваликлар деҳқонман деганнинг унча-мунчасини тан олишмайди. Уларни ҳайратлантириш учун катта тажриба ва улкан салоҳият ҳам керак. Шундай фазилатлар мужассам бўлса керакки, Зокиржон Сидиқов уларнинг кўнглини топди, эл оғзига тушди. У 31 йил бригадирлик қилди. Деҳқончилик маданиятини пухта эгаллади. Унинг бу тажрибаси мустақиллик йилларида янада асқотди. Истиқлол туфайли мулкдор бўлди. «Қосим карвон» фермер хўжалигини ташкил этди. Ҳозир хўжаликда 58 гектар ер бор. Бу йил пахта ҳосилдорлиги 45, донники 70 центнерга етди. Шартнома режалари зиёди билан уддаланди. Буларнинг барчаси Сиддиқовлар хонадонига файзу барака киритмоқда.*

*Айни чоғда «Қосим карвон»нинг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Ҳозир хўжалик тасарруфида «Т-4» трактори, 2 та культиватор, дон ўриш комбайни, 6 та транспорт трактори, автобус мавжуд. Бир сўз билан айтганда, фермер хўжалиги беками-кўст фаолият юритмоқда.*

**СУРАТДА: туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги директори Мухторжон Шаҳобиддинов ва «Қосим карвон» фермер хўжалиги аъзоси Қаҳрамон Сиддиқов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

## «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида

***Мамлакатимизда 2004 йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши "Обод маҳалла йили" дастурида кўзда тутилган мақсадларнинг мантиқий давоми эканини инобатга олган ҳолда, бошланган эзгу ишларни муваффақиятли давом эттириш, хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасида барча давлат ва жамоат ташкилотларининг куч ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида:***

1. "Меҳр ва мурувват йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.

2. "Меҳр ва мурувват йили"га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ҳамда ташкилий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

— давлат идоралари ва жамоат тузилмаларининг, хусусий корхона ва ташкилотлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг маблағ ва имкониятларини кам таъминланган, кўп болали ҳамда ёш оилаларни, ногирон ва етим-есирларни, бева-бечораларни, боқувчиларидан жудо бўлган, якка-ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ҳар бир инсон учун қанот ва таянч бўладиган оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммолар, авваламбор, ишсизлик масаласини ҳал этиш бўйича аниқ ва асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллаларда маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, ёш авлод тарбияси, кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ-тартибот, аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги фаолиятини янада кучайтириш юзасидан аниқ режаларни белгилаш;

— юртдошларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, фарзандларимизда ноёб инсоний фазилатларни камол топтириш, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш каби ибратли хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантириш, жамоатчилигимиз, бутун халқимизни савобли ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга сафарбар этиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаш;

— одамларимизнинг онги, тафаккури, маънавий дунёси замонга мос равишда ўзгариб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, миллий уйғониш руҳи, миллий ғоянинг жамиятимиз ҳаётига чуқурроқ кириб боришини таъминлашга қаратилган долзарб вазифаларни аниқлаш;

— меҳр ва мурувват тушунчаларининг асоси бўлмиш жамиятимиздаги аҳиллик, фуқаролараро тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун зарур шароитларни яратишга хизмат қиладиган тадбирлар тизимини тайёрлаш;

— жойлардаги маънавий-руҳий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий қадриятларимизга асосланган ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимизни ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишга йўналтирилган илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар яратиш, турли кўргазмаларни ташкил этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (М.Нурмуродов) ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига (О.Обидов) амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари, республиканинг кам таъминланган фуқароларига қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган маблағни излаб топиш ва унинг манбаларини белгилаш юклатилсин.

4. Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва бошқа идоралар, бирлашма ва ташкилотлар, "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун", "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармалари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика Байналмилал маркази ва бошқа ижтимоий жамғармалар раҳбарларига юқорида зикр этилган мақсадларни амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Республика комиссияси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплекси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари иштирокида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини янада кенгайтириш бўйича таклифларни 2004 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини кучайтириш мақсадида амалдаги қонун талаблари ва ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари якунларидан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда "Фуқаролар йиғинлари тўғрисида"ги намунавий низомни тасдиқлаш топширилсин.

7. Ҳар бир вилоятда "Меҳр ва мурувват йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича вилоят ҳокими раҳбарлигида комиссиялар тузилсин ва улар 15 кун муддат ичида дастурга оид ўз таклиф ва тавсияларини Республика комиссиясига тақдим этсин.

8. Республика комиссияси "Меҳр ва мурувват йили"нинг комплекс дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 декабрь.

## Ўзбекистон Республикасининг Халқаро Кўргазмалар Бюроси Ижроия комиссиясига сайланиши ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонасидан хушхабар келди. Парижда Халқаро Кўргазмалар Бюроси Бош Ассамблеясининг 134-сессиясида кўпчилик овоз билан Ўзбекистон ХКБ Ижроия комиссиясига аъзо этиб сайланди.

Ушбу ташкилот 91 давлатни қамраб олиб, 12 аъзо давлат таркибидаги Ижроия комиссияси унинг олий органи сифатида дунё узра бутунжаҳон ва мавзуий кўргазмаларни ўтказиш масалаларини ҳал этади.

Франция, Бельгия, Италия, Швейцария, Канада ва Россия каби дунёнинг етакчи мамлакатлари билан бир қаторда Марказий Осиё давлатлари орасидан биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг ушбу Ижроия комиссиясига сайланиши давлатимизнинг бутунжаҳон миқёсида нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

**"Жаҳон" АА.**

## Самарқанд — Римнинг тенгдоши

***Франциялик ва ўзбекистонлик археологлар Афросиёбда топган тарихий ашёлар Самарқанднинг 2750 ёшда эканлигини далиллайди***

Халқимизнинг тарихини янги асосларда, асл манбаларга таянган ҳолда ўрганиш ва тадқиқ этиш мустақил давлатимизнинг фаолиятида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда меъморчилик ёдгорликлари ва муқаддас қадамжоларнинг таъмирланиши ва обод бўлиши, буюк алломалар, давлат арбоблари номларининг тикланиши, уларнинг халқимиз ва умуман жаҳон маданияти тарихига қўшган ҳиссасини ҳаққоний очиб бериш учун яратилган имкониятлар, тарихий-маданий меросимизни ўрганиш, ижобий анъаналар ва миллий байрамларнинг тикланиши Президентимизнинг ташаббуси билан рўёбга чиқмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг бир қатор қадимги шаҳарларида махсус археологик тадқиқотлар амалга оширилди. Натижада уларнинг маданияти ўрганилди ва тарихий ёши аниқланди. Бу ишларнинг бари Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш йўлида олиб борилган мақсадли илмий тадқиқотларнинг самарасидир.

Цивилизация фақат инсоният маданияти ривожини англатибгина қолмай, шунингдек, давлатчилик ва шаҳарсозлик маданиятининг тараққиётини ҳам англатади. Ўзбек халқи аждодларининг илк давлатчилик тизимига ўтиш жараёни милоддан аввалги II минг йилликда бошланди. Худди шу даврда шаҳар кўринишидаги йирик деҳқончилик манзилгоҳлари пайдо бўлади.

Милоддан аввалги VIII-VII асрларга келиб, Ўзбекистон ҳудудларида жамиятнинг ҳудудий бўлиниши ривожланиб, шаҳарлашиш жараёни кучайди. Шаҳарлар қишлоқ хўжалик экинзорлари билан ўралиб, қалъалар пайдо бўлди, муҳим савдо йўллари бўйида таянч ҳарбий истеҳкомлар барпо қилинди, турли маконлар ва уй-қўрғонлар қурилишида мудофаа иншоотларининг аҳамияти биринчи ўринга чиқди.

Ўзбекистоннинг турли вилоятларида археологлар қадимги шаҳар харобаларини топиб текширдилар. Уларга Афросиёб (Самарқанд), Қизилтепа ва кўҳна Термиз (Сурхон воҳаси), Узунқир ва Еркўрғон (Қашқадарё воҳаси), Далварзин (Фарғона водийси) ва бошқалар киради.

Айрим қадимги шаҳарларни аҳоли урушлар ва турли тарихий воқеалар туфайли тарк этганлиги сабабли, улар харобага айланган. Ушбу шаҳарлар қолдиқларини дарё воҳаларида, саҳро ва чўл чегараларида кўриш мумкин. Аммо қадимий шаҳарларнинг бошқа бирларида ҳаёт асрлар давомида тўхтовсиз ривожланган. Қадимги шаҳарсозлик маданиятининг анъаналари ҳозирги Самарқанд (Афросиёб, Мароқанда), Китоб-Шаҳрисабз (Узунқир, Кеш), Қарши (Еркўрғон, Нахшаб, Насаф) ёки Бухоро, Хива, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳудудларида давом этди.

Ўзбекистон ҳудудида илк шаҳар маданиятининг шаклланиши милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида юз берганлиги Шеробод туманида жойлашган Жарқўтон ёдгорлиги мисолида исботлаб берилди.



Ана шу даврлардан то ҳозиргача юртимизда шаҳар маданияти узлуксиз ривожланиб келмоқда.

Шаҳарларни археологик ўрганиш ва ёшини аниқлашнинг бутун жаҳон тан олган йўл ва усуллари мавжуд.

1950 йилда машҳур инглиз олими, археолог Гордон Чайлд "Шаҳар маданияти инқилоби" мақоласида шаҳар мақоми берилиши мумкин бўлган ёдгорликларда шаҳар тушунчасига оид 10 та белгиларининг бўлиши шартлигини илгари сурди.

Бу белгилар: шаҳар майдонининг катталиги, аҳолиси деҳқонлардан ташқари ҳунармандлар, савдогарлар, коҳинлар ва бошқарувчилардан иборат бўлмоғи, монументал бинолар, сарой, ибодатхона ва истеҳкомларда ёзув ва тақвимнинг бўлишлиги, астрология ва илму фан куртаклари, санъат асарлари мавжудлиги, жамиятнинг табақалашганлиги, узоқ юртлар билан савдонинг ривожланганлиги, меҳнат қуролларини ясашга ихтисослашган ҳунармандларнинг бўлиши ва давлат ташкилоти мавжудлиги кабилар эди.

Самарқанд дунёнинг энг қадимги шаҳарларидан биридир. Зарафшон воҳасида тарихимизнинг цивилизация босқичи жуда эрта бошланган.

Хўш, бугунги кунда ўзбек ва француз археологлари ўрганаётган қадимги Самарқанд-Афросиёб харобаларида шаҳар мақомини аниқловчи қайси белгилар топилди?

(Давоми 2-бетда).

## Хушхабар

## Италиядан қўш медаллар

Кеча Италиянинг Сицилия оролидаги Катанья шаҳрида қуролли кучлар сафида хизмат қилаётган спортчилар ўртасида бокс бўйича жаҳон чемпионати якунланди. Дунёнинг 28 давлатидан келган 100дан ортиқ ҳарбий боксчилар иштирок этган турнирда ўзбекистонликлар умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Терма жамоамизнинг 10 нафар чарм қўлқоп устасидан тўққиз нафари медалли бўлди: иккита олтин, битта кумуш ва олтита бронза.

Финалга чиққан юртдошларимиздан фақатгина Шерзод Абдураҳмонов рақибига имкониятни бой берди. 69 килограмм вазнда рингга кўтарилган Шерзод Ҳусанов адашининг хатосини такрорламади. У россиялик боксчини "кўз очиришга" қўймай, катта фарқ билан ғалаба қозонди. 64 килограммлик Дилшод Маҳмудов ҳам сўнгги босқичда Россия вакилини мағлубиятга учратди. Унинг маҳоратига қойил қолган ташкилотчилар Дилшодни жаҳон чемпионатининг "Энг яхши спортчиси" номинацияси билан тақдирладилар.

**Ўз мухбиримиз.**

Биз киммиз?

# МУСУЛМОНЧИЛИК — ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАР МУЖАССАМИ

Шу кунларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеалар бўлиб ўтмоқда. Буюк аждодларимиз Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд хотирасига қадимий Бухоро заминида бўлган анжуман ва учрашувлар, Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди, Андижон вилоятига эса Амир Темур орденларини топширишга бағишланган тантанали маросимлар, пойтахтимизда ва вилоятларда турли соҳа вакилларига Ватанимизнинг юксак мукофотларининг тақдим этилиши, Олий Мажлиснинг куни кеча ўз ишини якунлаган ўн учинчи сессияси шулар жумласидандир.

Бу тадбирларнинг барчаси халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, ўзлигимизни англаш, эришган натижаларни сарҳисоб қилиб, юртдошларимизни янги-янги марралар сари сафарбар этишдек олижаноб мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз. Шулар қаторида мамлакатимиз Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган бугунги ҳаётимиз, эртанги тараққиётимиз билан боғлиқ теран фикр-мулоҳазалар, таклиф ва хулосалар кенг жамоатчиликда, бутун халқимизда катта қизиқиш ва таассурот уйғотмоқда.

Юртбошимиз ўз нутқида Асосий Қонунимизнинг жамият ривожидаги ўрни ва аҳамияти, охирлаб бораётган “Обод маҳалла йили” якунларига тўхталиб, кириб келаётган 2004 йилни юртимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилар экан, ҳозирги пайтда кўпчиликни ўйлантириб турган, маънавият соҳасидаги ишларимизни янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган бир қанча ҳаётий масалаларга ҳам эътиборни қаратди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг халқимизнинг бетакрор фазилатлари, ўзига хос турмуш тарзи, бошқаларникига ўхшамайдиган миллий қиёфаси ва тафаккури ҳақидаги фикрлари ўзини ўзбек деб билган, ота-боболаримиздан мерос муқаддас заминга фарзандлик меҳри билан боғланган ҳар бир ҳамюртимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, биз асрлар, минг йиллар давомида яшаб келаётган урф-одат ва анъаналаримиз, миллий қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги беқиёс аҳамиятини доимо ҳис қилиб яшаймиз. Бу қадриятлар халқимизнинг орзу-интилишлари, аждодларимизнинг ўлмас руҳи, ибратли ҳаёт йўли, ноёб фазилатларини ўзида мужассам этадиган тамойиллар сифатида кундалик турмушимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўз ҳаётимизни асло тасаввур этолмаймиз.

Юртбошимизнинг инсоният ҳаётига турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда миллий қадриятларимизни асраш ва бойитиш масаласига бу қадар жиддий эътибор қаратаётгани, шу соҳада ҳар йили мамлакат миқёсида катта тадбирлар ўтказиб, кенг кўламдаги ишларни амалга оширишга бош-қош бўлиб келаётгани маънавият биз учун ҳар қандай вазиятда ҳам устувор масала бўлиб қолишини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай эътиборни Юртбошимизнинг 2000 йили “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавобан айтган **“Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор беради”** деган сўзларининг яна бир амалий исботи сифатида қабул қилиш мумкин.

Барчамиз яхши биламиз, дунёда халқлар ва мамлакатлар кўп. Жаҳон ҳамжамиятида уларнинг ҳар бири ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга. Бизга ғурур-ифтихор бахш этадиган томони шундаки, улар билан солиштирганда, она-Ўзбекистонимизнинг, меҳнаткаш ва бағрикенг, дунёга қанчадан-қанча буюк зотларни берган халқимизнинг ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Президентимизнинг маънавият соҳасида амалга ошираётган жамики ишлари, саъй-ҳаракатлари ана шу ҳақиқатни халқимиз онгига чуқур сингдириш ва ҳар бир юртдошимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" деган қатъий ишонч билан яшашига қаратилган, десак, асло муболаға бўлмайди.

Шунинг учун ҳам юртимизда миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ва Президентимизнинг айнан Конституция кунига бағишланган анжуманда бу масалага яна бир бор халқимиз, жамоатчилигимиз эътиборини қаратгани ҳар жиҳатдан мантиқий, деб ўйлаймиз. Чунки Конституция биз яшаётган ва барпо этаётган эркин, озод жамият асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаб берадиган ҳуқуқий ҳужжат, бир сўз билан айтганда, ҳаёт қомуси бўлса, маънавият халқимиз умрбод озиқланиб яшайдиган муқаддас манбадир. Президентимиз ўз нутқида бу ҳақиқатни яна бир бор таъкидлаб, бундай деди: “**Албатта, ҳар қандай жамият ривожи учун моддий асослар зарур. Бусиз бугунги тараққиётни мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Лекин, шу билан бирга, инсоният ҳаёти учун маънавий асослар ҳам сув билан ҳаводек зарур**”.



Халқимизнинг ўзига хос миллий қиёфасини яққол намоён этадиган, ўзлигимизни чуқур англашимиз, кимларнинг, қандай буюк зотларнинг ворислари эканимизни тушуниб етишда ўта муҳим ўрин тутадиган белги-аломатлар жуда кўп.

Ана шундай хусусиятлар ҳақида гапирар экан, Президент халқимиз маънавиятининг асосий белгиларидан бири бўлган мусулмончилик тушунчаси ва исломий анъаналарни асраб-авайлаш масаласига ўз нутқида алоҳида тўхталиб ўтди. “**Биз бошқа динларга, бошқа миллат ва элатларга, уларнинг урф-одатларига, албатта, ҳурмат билан қараймиз. Ёшларимиз, албатта, Ғарб маданиятидан, бугунги демократия тамойилларидан хабардор бўлиши керак, лекин ота-боболаримиздан қолган, бизга динимиз уқтирадиган арконлардан, қоидалардан ҳеч қачон чекинмаслигимиз лозим**”, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ҳаммамизга яхши маълумки, она-диёримиз қадимдан исломий илм-фан ва маданиятнинг буюк марказларидан бири сифатида шуҳрат қозониб келган. Улуғ аждодларимизнинг ислом динини ривожлантириш, унинг муқаддас йўл-йўриқларини мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари бутун мусулмон оламида эътироф этилган. Бинобарин, муқаддас ислом динининг эзгу ғоялари миллий қадриятларимиз ва турмуш тарзимизга чуқур сингиб кетгани ҳам аён ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбари масаланинг ана шу жиҳатларига тўхталиб, мусулмончиликни биз кенг маънода тушунишимизга алоҳида урғу берди. Шу боис биз бу тушунчани фақат диний амаллар билангина чеклаб қўймасдан, моҳият-эътиборига кўра, мусулмончилик деганда, доимо эзгу мақсадлар сари интилиб, кўҳна қадриятларимизни улуғлаб, Ватанимиз, халқимизга муҳаббат ва садоқат билан яшашни англаймиз. Миллий ўзлигимизни сақлаган ҳолда, бугунги замоннинг ўзи талаб қиладиган ўзгаришларни ҳаётга кенг жорий этиш, илм-фан ютуқларини эгаллаб, давр билан ҳамқадам бориш мусулмончиликнинг асосий талабларига ҳеч қачон зид келмайди. Буни аждодларимизнинг ҳамиша замон билан ҳамнафас яшаганлари, бошқа эл-юртлар ҳаётидаги яхши анъаналарни ўзлаштиришга интилиб келганлари ҳам исботлайди.

Қолаверса, Қуръони каримнинг ўзида “илм” сўзи 750 марта, “ақл” сўзи 50 марта тилга олингани ҳам ислом динининг асл моҳиятидан, Оллоҳ таоло бандаларини доимо илм ва тараққиёт сари даъват этганидан далолат беради.

Мусулмончиликнинг асосий талабларидан бўлган маънавий поклик, гуноҳ ишлардан тийилиш, кўпчиликнинг раъйига қараб иш тутиш, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлишдек халқимиз томонидан асрлар давомида улуғлаб келинган урф-одат ва анъаналарга амал қилиш, айниқса, бугунги кунда қанчалик катта аҳамият касб этаётганини барчамиз ҳозирги глобал муаммолар замонида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳис этмоқдамиз.

Айнан мусулмончилик анъаналари туфайли биз ана шундай фазилатларни асрлар давомида сақлаб, ривожлантириб келмоқдамиз. Шу маънода, Президентимизнинг “**Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келяпти, деб сўрашса, бу — аввало, муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим**” деган сўзлари қанчалик ҳаққоний эканини яна бир бор чуқур ҳис этиш мумкин.

Албатта, мусулмончиликнинг биз учун зарур бўлган, халқимиз томонидан неча юз йиллардан буён улуғлаб келинаётган хусусиятлари кўп. Лекин улар орасида ота-боболаримиз хоки ётган муқаддас заминни обод қилиш ва пок сақлашни доимо диққат-эътиборимиз марказида тутиш, ўзимнинг борар жойим ҳам мана шу ер, мана шу тупроқ, деб англаш, ватанпарварлик, шу юртга фидойилик хислатлари, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўз аждодлари хотирасини унутмаган, улар мангу ором топган заминни эъзозлаб яшаётган халқнинг келажаги, албатта, ёруғ бўлади. Шундай фазилатлар билан яшаган халқ ҳеч қачон ўз шаъни, ўз ғурурини бошқаларга оёқости қилдириб қўймайди, миллий қадриятларини кўз қорачиғидек асраб яшайди.

Шу маънода, асл мусулмончилик муқаддас китобларимизда тилга олинган кўрсатмаларга таяниб-суяниб, бу ҳаёт неъматларига шукур қилиб яшашга ундайдиган ва шу йўлда ҳар қандай оғир синовларга бардош беришга, уларни енгишга ўргатадиган, неча-неча замонлардан ўтиб келаётган кенг қамровли тушунча ва туйғулар, анъана ва қадриятлар тизими эканига халқимизнинг кўп асрлик тарихи мисолида қайта-қайта ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ота-боболаримиз томонидан асрлар мобайнида эъзозланиб, муқаддас эътиқод даражасигача кўтарилган омонатга хиёнат қилмаслик, ор-номус, ҳаё ва ибо, андиша каби балки бошқаларга нотаниш бўлган туйғу ва тушунчалар ана шу маънавий тизимнинг асосини ташкил этади. Топган бир бурда нонини ҳам саховатпешалик билан бошқалар билан баҳам кўриш, бировнинг оромини бузмаслик, тинчликни Яратганнинг буюк неъмати, меҳр-оқибатни одамийлик шарти деб билиш эл-юртимиз амал қилиб келган ҳаётий фалсафа — мусулмончиликнинг моҳиятини ташкил этади.

Эътибор берганмисиз, тўй ёки маъракаларимизда оқсоқоллар қозоннинг бошига бориб, “Ҳамманинг оғзи тегсин, ош емаган одам қолмасин. Ҳой, маҳалладаги бемор ва қарияларга ҳам ош чиқардиларингми?” деб сўрайди.

Албатта, бир чуқум ошсиз ҳеч ким очдан ўлиб қолмайди. Лекин топганини қўни-қўшни, маҳалла-кўй билан баҳам кўриш, меҳр ва мурувват халқимизнинг қон-қони, суяк-суягига шу қадар сингиб кетганки, токи бу амалларни беками-кўст бажармасдан туриб, ўзини мусулмон фарзанди деб аташга истиҳола қилади.

Шу нуқтаи назардан мусулмончилик асл инсонийлик, ҳаммани ўзига тенг кўришдан иборатдир, десак, бу ҳам тўғри бўлади. Бинобарин, бировни камситган, кимнидир ўзидан кам кўрган одам ҳеч қачон мусулмон бўлолмайди. Динимизнинг теран инсоний маъноси ҳам айнан ана шундай ҳаётий масалаларда ёрқин намоён бўлади.

Ўзаро тенглик, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳуқуқига ҳурмат билан қарашни ифода этадиган яна бир одатимизга эътибор берганмисиз? Кўпчиликка яхши маълумки, маҳалладаги йиғинларда одатда ҳар бир оиладан биттадан вакил иштирок этади. Агар бирор бир сабаб билан бу йиғинларда қайсидир оила бошлиғи иштирок этолмаса, ўғли ёки набирасини юборади. Чунки шарти шу — ким бўлишидан қатъи назар, бир оиладан бир вакил қатнашиши зарур. Бу ҳам халқона демократиянинг бир кўриниши.

Халқимизнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, ҳамиша эл-юрт ташвиши билан яшайдиган, ҳаётда омади юришмаган, муҳтож одамларга меҳр-шафқат кўзи билан қарайдиган, ўз бойлигини кўз-кўз қилмайдиган, аксинча, топган даромадидан қўлидан келганча хайру эҳсон қиладиган, бошқаларга ризқ-насиба улашадиган, кўпчиликка фойдаси тегадиган одамнигина мусулмон деб аташ мумкин. Бир сўз билан айтганда, мусулмончилик инсонийлик билан боғлиқ барча эзгу фазилатлар мужассамидир. Шу маънода, мусулмончилик ҳеч қандай демократиядан кам эмас, десак, хато бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ҳозирги пайтда баъзи хорижий мамлакатларда турли ғоя ва қарашлар ниқоби остида бизнинг миллий қадриятларимизга, умуман, барча миллат вакиллари ҳурмат қиладиган инсонийлик тамойилларига мутлақо тўғри келмайдиган номақбул ҳаракатлар телевидение орқали тез-тез кўзга ташланиб туришини афсус ва надомат билан айтиб ўтди.

Дарҳақиқат, бундай ғайриинсоний ҳаракатларни кўрганда, инсон беихтиёр ўйлаб қолади: аслида демократиядан мақсад инсоннинг қадр-қимматини жойига қўйиш эмасми? Куппа-кундуз куни қип-яланғоч кўчага чиқиб, турли намойишлар ўтказиб, кимларнингдир ҳуқуқини талаб қилмоқчи бўлаётган кимсалар аслида одамзоднинг энг буюк бойлиги бўлмиш юксак туйғуларни ерга урмаяптими, ақл-заковат ва тафаккур, ор-номус соҳиби бўлган инсоннинг қадрини туширмаяптими?

Инсонийликни ҳар нарсадан азиз билган халқимиз бундай “демократия”, бундай “эркинлик”ни асло қабул қилолмаслиги тайин. Чунки у башариятнинг неча минг йиллик тарихий тараққиёти натижаси бўлган демократияни, эркинлик ва озодлик тушунчаларини миллий ўзлигидан, юксак маънавиятидан айри ҳолда тасаввур қилолмайди. Ва айнан ана шу фазилати туфайли халқимиз даврлар синовидан шараф билан ўтган, ҳар қандай оғир шароитларда ҳам асл қиёфасини сақлаб қола олган.

Бугунги кунда бундай фазилатлар ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатимизнинг муҳтожлар, бева-бечоралар, кам таъминланганлар ва қарияларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган тамойилларини ҳаётга кенг жорий этиш, жамиятимизда ўзаро аҳиллик ва иноқлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда бу ноёб хусусиятлар Президентимиз томонидан эълон қилинган Меҳр ва мурувват йилида амалга оширилиши кўзда тутилган амалий ишларни рўёбга чиқаришда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда мустақиллик йилларида юртимизда, қўлга киритилган беқиёс имкониятлардан самарали фойдаланиб, миллий қадриятларимизни, хусусан, ота-боболаримизга хос мусулмончилик одатларимизни янада мустаҳкамлашга, динимиз арконларини тиклашга катта эътибор берилаётганини таъкидлаш лозим.

Ҳали қудратли ва ёвуз шўро империяси ҳукмрон бўлиб турган 1990 йилдаёқ диёримизда Имом Термизийнинг таваллуд тўйи халқаро миқёсда кенг нишонлангани, ислом динининг ноёб ва мўътабар ёдгорлиги бўлган, мустамлакачилик йилларида узоқ вақт халқнинг кўзидан пинҳон тутилган Усмон Қуръонининг Мусулмонлар идораси ихтиёрига берилиши, Қуръони каримнинг она тилимизга таржима қилиниши, Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг умумхалқ байрами деб эълон қилиниши, муборак ҳаж зиёратига йўл очилиши каби кўпгина тарихий ишлар бизнинг миллий ўзлигимизга қайтиш, диний қадриятларимизни тиклашга бўлган интилиш ва изчил амалий ишларимиздан далолат беради.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг бу интилишлар янада кенг кўлам касб этди. Шунинг натижасида қанчадан-қанча масжид ва мадрасалар тикланди, буюк азиз-авлиёларимизнинг муқаддас қадамжолари обод қилинди, уларнинг илмий мероси тўпланиб, қайтадан чоп этилди, энг муҳими, юртдошларимиз мусулмончилик амалларини адо этиш учун барча имкониятларга эга бўлди. Мухтасар айтганда, халқимизнинг миллий ўзлиги билан боғлиқ азалий фазилатларини тиклаш ва камол топтиришга хизмат қиладиган жамики қадриятларимиз ҳаётимиздан ўз ўрнини топмоқда.

Кези келганда, қадимдан ислом маданияти марказлари сифатида улуғланиб келган кўҳна шаҳарларимиз қайтадан обод бўлиб, уларнинг қутлуғ саналари халқаро миқёсда кенг нишонланиб келаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Шу билан бирга, Хива шаҳридаги Ичанқалъа мажмуи, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги мумтоз обидалар, Шаҳрисабздаги Амир Темур ва темурийлар даври меъморлик ёдгорликлари Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхатига киритилгани миллий қадриятларимизнинг дунё миқёсидаги ўзига хос эътирофи бўлди. Марказий Осиёдан ушбу рўйхатга киритилган 6 та маданий мерос намунасидан бештаси бизнинг заминимизда жойлашгани барчамизга катта қувонч ва ифтихор бағишлайди.

Президентимиз Фармони билан ташкил этилган Тошкент ислом университети қисқа муддатда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамиздаги нуфузли олий ўқув юртига айланди.

Биргина 2003 йилнинг ўзида диний қадриятларимизни замон талаблари асосида ривожлантиришга қаратилган иккита муҳим ҳужжат – «Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент Фармони ҳамда «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Бу эса давлатимизнинг мазкур соҳага бўлган эътибори изчил давом этаётганининг яна бир далилидир.

Биз янги жамият қуриш йўлидан илгарилаб борганимиз сари маънавий қадриятларимизни, жумладан, диний анъаналаримизни ривожлантириш ишлари янада такомиллашиб, замон талабларига мослашиб бориши табиий. Чунки миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигини назарда тутадиган стратегик тараққиёт йўлимиз айнан шуни тақозо этади.

Шу маънода, кўзланган пировард мақсадларимиз халқимизга хос бўлган эзгу фазилатларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларимизга етказишни бугун олдимизга устувор вазифа қилиб қўймоқда. Президентимизнинг Конституция кунига бағишланган маросимда, Бухорода, Хоразм ва Андижон заминидаги учрашувларда сўзлаган нутқларини ўқиб-ўрганиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз ва барчамиз ана шу вазифаларни бажаришда шу қадимий ва бетакрор юрт фарзанди сифатида бурчли эканимизни чуқур ҳис этамиз.

**Муртазо ҚАРШИБОЕВ.**

---

*Фармонни ўқиб...*

# Жазодан кўра тарбия афзал

*Президентимиз: “Инсон сўзи Она, Ватан деган каломлар каби муқаддасдир. Бу муқаддасликни, инсон эркининг дахлсизлигини мустаҳкам қонунларимиз ҳимоя қилиши керак», деб жуда тўғри эътироф этганлар. Мазкур йилнинг 1 декабрь куни “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармоннинг имзоланганлиги фикримизнинг яна бир исботидир.*

Жиноят кодексининг 68-моддасига мувофиқ, жиноят содир этган шахсни амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш мумкин. Ушбу норматив акт ўзида кечирувчанлик, бағрикенглик фазилатларини жамлагани боис муҳим аҳамиятга эга. Фармоннинг 1-моддаси билан танишишингиз ҳамон мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатимизнинг одиллигига ва қонунларимизнинг миллий ва халқаро талабларга тўлиқ жавоб беришига амин бўласиз.

Аёл мукаррама, фаришта, уй бекаси, она эканлиги, шубҳасиз. Шу боис амнистиянинг дастлабки банди биринчи марта содир этган жинояти учун жазони ўтаётган аёлларга нисбатан қўлланиши мантиқий ҳол. Юриспруденцияда жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бевосита аёл зоти билан боғлиқ ҳолатларда татбиқ этилиши белгиланган. Аёлга нисбатан бундай одилликнинг қўлланиши, табиийки, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда асқотади.

Амнистиянинг жиноят содир этган пайтда 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Сабаби — билиб- билмай жиноятга қўл урган ёшларни жазолашдан давлат манфаатдор эмас. Аксинча, уларни тўғри йўлга бошлаб, тарбия қилиш жамият учун наф келтиради. Бизнинг жиноят қонунчилигимиз мустабид тузум давридагиларидан жазо ўрнига тарбияни маъқул кўргани билан ҳам фарқланади. У бағрикенглик, инсонийлик, кечиримлилик тушунчалари билан йўғрилгани сабабли ўзини оқламоқда.

Шунингдек, амнистия акти 1-моддасининг “в” ва “г” бандлари инсонни олий хилқат, деб қарашнинг намунаси эканлигига далилдир. Амалдаги қонунларимиз вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари бевосита давлат томонидан муҳофазаланишини назарда тутади. Демак, Фармон кучга киргунга қадар биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда 60 ёшга тўлган эркакларни жазодан озод этишни назарда тутган.

Энди Фармоннинг “е” банди билан боғлиқ мулоҳазаларга тўхталмоқчиман. Жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган чет эл фуқаролари озод этилишининг эътиборга олинганлиги мазкур амнистия салмоғини янада оширган. Давлатнинг бундай эътибори ўз фуқаролари қаторида чет эл ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам бефарқ эмаслигидан дарак беради.

Маълумки, шу йилнинг 27 сентябрида Президентимизнинг “Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Амнистия актининг 2 ва 3-моддлари унинг мантиқий давоми тарзида ўз аҳамиятига эга. Ҳар иккала модда эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этган ёки биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг озод этилишига изн беради.

Фармоннинг яна бир эътиборли жиҳати, 4-моддада ўз ифодасини топган. Унда экстремистик ташкилотларда фаолият кўрсатиб, конституциявий тузумга ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноят ва қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларнинг жазодан озод этилиши белгиланган. Ҳолбуки, жиноят учун жазо муқаррар. Лекин бизнинг юксак ислоҳотлар палласига кирган жиноят қонунчилигимиз жазодан кўра тарбияни маъқул топаяпти.

Чунончи, амнистия актининг 6-моддасига асосан, жазодан озод қилинмаётган шахслар ҳам эътибордан бебаҳра қолмаган. Яъни, ушбу модданинг “а” бандига кўра, қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга тўртдан бир қисмига, “б” бандида эса қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга бешдан бир қисмига жазо муддатининг ўталмаган қисми қисқартирилган.

Мазкур амнистия акти жиноят йўлига кириб қолган шахсларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига имконият яратиши, шубҳасиз. Бироқ жиноят қонунчилиги соҳасида инсонга нисбатан кўрсатилаётган эътибор, бағрикенглик, ишонч ва кечиримлилик ҳеч кимнинг жиноят содир қилишига имконият бермайди. Аксинча, уларнинг айбига яраша қонунда назарда тутилган жазонинг муқаррарлигини белгилайди. Фармоннинг 7-банди айнан шу мақсадни эътиборга олган. Қисқаси, унда амнистия акти қўлланилмайдиган жазо турлари ўз аксини топган.

Хуллас, хатонинг сабоғи муҳим. Ундан тегишли хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Машҳур Рим нотиғи Цицерон ёзганидек, “эркин яшашни истаган ҳар қандай одам қонуннинг қули бўлмоғи керак!”.

**Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,**
**Адлия вазирлиги ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарғибот бошқармасининг бош маслаҳатчиси.**

---

*Қишлоқ мулкдорлари*

# Нонуштага сут, қаймоқ

Андижон туманидаги Абдураҳмон Болтабоев раҳбар бўлган «Усмонхожи» фермер хўжалиги жамоаси банкдан 98 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб сутни қайта ишлайдиган ва қадоқлайдиган цех ташкил этди. Дания ва Италиядан замонавий дастгоҳлар келтирилди. Эндиликда жамоа кунига 2,5 тонна сутни қайта ишламоқда. Шундай қилиб, Андижон шаҳри ҳамда қўшни туманларнинг олис маҳаллаларида яшовчилар ҳам ана шу цех маҳсулотларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*Анжуман*

# Транспорт, экология ва саломатлик

Кеча пойтахтимиздаги “Шератон-Тошкент” меҳмонхонасида "Транспорт, экология ва саломатлик" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. "ЭКОСАН" халқаро жамғармаси, "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмаси ва Тошкент автомобиль-йўллар институти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу илмий-амалий анжуманда атмосфера ҳавосини транспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли моддалардан муҳофаза қилиш ва заҳарли моддаларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири масаласи муҳокама қилинди.

Конференцияда таъкидланганидек, ҳозирда ҳавонинг ифлосланишида транспорт воситаларининг улуши 80 фоизни ташкил этади. Ҳаво таркиби азот диоксиди, углерод оксиди ва бошқа моддалар билан зарарланиши ҳар йили ортиб бораётир. Ушбу салбий ҳолатлар юзасидан йиғилишда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда "ЭКОСАН" халқаро жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов, Тошкент шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаев, мамалакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари қатнашдилар.

Анжуман сўнггида атмосфера ҳавоси сифатини текширишда қўлланиладиган замонавий асбоб- ускуналар кўргазмаси ташкил этилди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**“Халқ сўзи» мухбири.**

(Боши 1-бетда)

# Самарқанд — Римнинг тенгдоши

Шаҳарнинг кўҳна харобалари Афросиёб номи билан машҳур бўлиб, у бугунги кунда Самарқанднинг шимоли-шарқий қисмидаги 220 гектарлик майдонда ястаниб ётибди. Бу ерда юз йилдан ошиқроқ даврдан бери археологик изланишлар олиб борилмоқда. Афросиёб ўрганилди ва Самарқанд шаҳар сифатида қачон шаклланганлиги тўғрисидаги саволга жавоб қидирилди. Айниқса, мустақиллик йилларида франциялик академиклар, дунёда тан олинган шарқшунос-археологлар Пол Бернар ва Франц Грене, ўзбекистонлик профессор М. Исомиддинов ва ёш олим А.Отахўжаевлар Афросиёбда режали равишда унинг энг қуйи маданий қатламларини ўрганишга киришдилар.

Натижада ер сатҳидан 10-15 метр чуқурликда жойлашган қатламлардан милоддан аввалги IX-VII аср ўрталарига оид ашёлар топилди. Бу, биринчидан, қўлда ясалган рангли нақшли сопол идишларнинг парчалари бўлса, иккинчидан, гуваладан ясалган, қалинлиги 7 метр келадиган мудофаа девори қолдиқларининг топилишидир.

Самарқанд шаҳри ёшини аниқлашда ушбу маълумотларнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки гуваладан қурилган мудофаа девори Афросиёбнинг 19 гектарлик арк қисмини бутунлай ўраб олганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, майдони 220 гектарлик шаҳарнинг бир неча километр келадиган ташқи мудофаа деворининг турли жойлари текшириб кўрилганда, унинг асоси ҳам худди шу гувалалардан қурилганлиги аёнлашди. Демакки, шаҳарга асос солинаётганда бирданига ҳам ҳукмдор қароргоҳи — арк, ҳам шаҳристон эни 7 метр келадиган ўта мустаҳкам фундаментал мудофаа девори билан ўраб олинган. Афросиёбнинг яна бир неча жойлари текшириб кўрилганда, унинг қуйи қатламларида айнан шунга ўхшаш ашёлар борлиги ҳам аниқланди. Улар милоддан аввалги IX-VIII асрларга оид эканлиги маълум бўлди. Аслида, маданий қатламдан танга топилса, унинг ёши янада аниқроқ айтилар эди. Аммо у даврларда ҳали танга-пуллар муомалага киритилмаган эди. Лекин янги технологиялар, физик услублар археологларга ёрдамга келди. Физиканинг радиокарбон ($C^{14}$) тадқиқот усули маданий қатламдан олинган намунани 50 йиллик аниқлик билан қайси даврга таaллуқли эканлигини аниқлаб бера олади. Афросиёб мудофаа девори тагидан ва бошқа жойлардаги қуйи маданий қатламлардан олинган намуналар дунёда тан олинган Франция Илмий-тадқиқотлар миллий марказига қарашли Жив-Сюр-Ивст шаҳридаги кучсиз радиоактивлик лабораториясида тадқиқ қилинди. Лаборатория тадқиқотларида ҳам Афросиёб қуйи қатламлари намуналари айнан милоддан аввалги VIII асрга, аниқроғи, 2750 йиллик қадимиятга таaллуқли эканлиги исботланди.




СУРАТДА: милоддан аввалги IX-VII асрларда Сўғд ҳудудидаги қадимги шаҳарлар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Афросиёбда шаҳар белгиларининг фақат биттаси — "ёзув ва тақвим" топилмади, холос. Қолаверса, ушбу сифат белгиси шаҳар маданиятини аниқлашда иккинчи даражали аҳамиятга эга.

Шу тариқа археологик материаллар асосида Самарқанднинг ёши — 2750 йилга тенглиги, у Римнинг тенгдоши эканлиги аниқланди.

Тарихий ёзма манбалар ҳам Самарқанднинг ёши анча қадимийлигини тасдиқлайди. Муҳаммад ал-Идрисий (X аср) "Таворихи Самарқанд", Муҳаммад ан-Насафий (XI аср) "Ал-Қанд фи тарихи Самарқанд", Ҳайдар ас-Самарқандий (XII аср) "Қандиди Хурд", Абу Тоҳир Хожа (XVIII аср) "Самария", Хитой тарихчиси Чжан Цзян, юнон ва рим тарихчилари Арриан, Курций Руф ва бошқа кўплаб муаллифларнинг асарларида Самарқанд ҳақида, унинг ёши тўғрисида маълумотлар бор.

Шарқ оламида Самарқанд шаҳар сифатида жуда эрта машҳур бўлган. Самарқанд қадим-қадимдан Шарқ цивилизацияси маданияти ва илму фанининг марказларидандир. Инсоният цивилизацияси тарихида бундай шаҳарлар камдан-кам учрайди.

Шу сабабдан ҳам, унга кўпдан-кўп босқинчилар — аҳамоний Доро, юнон Александр Македонский, мўғул Чингизхонлар интилганлар. Унинг меҳрига сазовор бўла олмасдан, ғазаб билан уни вайрон қилишган. Лекин буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур уни ўзгача бир меҳр билан қадрлади, обод қилди, дунёнинг сайқалига айлантирди.

Шу сабабдан ҳам, ўрта асрлардан Шарқда оммалашиб кетган мақоллардан бирида "Ғарбда Рим, Шарқда Самарқанд", дейилади, чунки Европа цивилизациясининг шаклланишида Рим қандай роль ўйнаган бўлса, Марказий Осиё маданияти тарихида Самарқанд шундай аҳамиятга эгадир.

Ва яна фотиҳлар, алломалар, даҳолар дунёда фақатгина икки шаҳар — Самарқанд ва Римнинг инсоният тақдиридаги буюк хизматларини назарда тутиб, "Боқий шаҳарлар" дея суюб улуғлашади. Шундай қилиб, Самарқанд ёшига кўра, жаҳоннинг энг қадимги шаҳарлари қаторидадир.

Кези келганда, яна муштарийларимизга қўшни мамлакатларда содир бўлаётган "энг қадимий шаҳар" ёки "энг қадимий давлатчилик" ва "энг қадимги халқ" бизда» деган қарашлар ҳақида қисқача айтиб ўтмоқчимиз.

1999 йилда қўшни республика ўз шаҳарларидан бирининг 3 минг йиллигини нишонлади. Зеро, бу шаҳарнинг ёши нуфузли манбаларга кўра, минг йилдан нарига ўтмас эди. Манзилгоҳ билан шаҳарни фарқлай билмай, бир ҳовуч сопол синиғини топиб олиб, уни шаҳар қолдиғи деб даъво қилиш илмий холисликдан йироқдир. Масалан, Самарқанд шаҳрининг қоқ ўртасида, Ёшлар кўли соҳилида қарийб 25 минг йил аввал ибтидоий аждодларимиз яшаган манзилгоҳ бор. Аммо у шаҳар эмас.

Ёки яна бир мисол. Яқинда москвалик олим Виктор Сарианиди Туркманистоннинг Марв вилоятидан топилган археологик маданиятни Шарқнинг Нил, Фрот, Ҳинд ва Хуанхе цивилизацияларидан кейинги бешинчиси, бу туркманларники, деб эълон қилди. Ваҳоланки, дунё аллақачон бу цивилизация ўчоғининг "Окс" (Амударё) ёки "Турон" деб номлагани ҳамда мазкур цивилизация ўчоғи ўзбек, тожик, туркман ва бошқа халқларга бирдек тегишли эканлигини эътироф этган. Зеро, бу цивилизация ўчоғи Амударё ҳавзасида Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон, Шарқий Туркманистон ҳудудларида милоддан аввалги III минг йилликларнинг охирида бирваракайига, бир хил кўринишда юз берган.

Инсоннинг ўз тарихини ўрганишга интилиши, унинг чуқур илдизларига мурожаат қилиши — объектив жараён. Ўз халқи тарихини улуғлашга интилишини ҳам тушуниш мумкин. Аммо фожиа шундаки, турли китоб ва мақолаларда ўз аксини топаётган сунъий ғоялар мисолида кишилар кўпроқ афсоналашган тарихни ўрганишга мажбурлар. Бу сингари ғоялар тарғибот-ташвиқот манбаи сифатида мафкуравий шиорлар вазифасини ўтаб, ўзаро ишончга асосланган яхши қўшничилик муносабатларини ушлаб туришга хизмат қилмайди.

Ўрта Осиё халқларининг ҳаққоний тарихини ёзиш, жумладан, Самарқанд мисолида минтақа қадимий шаҳарларининг холис тарихини яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўрта Осиё цивилизациясининг дунё цивилизациясига қанчалик катта ҳисса қўшганлиги янги далиллар билан яна бир бор исботланади.

**Т. ШИРИНОВ,**
**А. САЪДУЛЛАЕВ,**
**тарих фанлари докторлари.**

**Тадбиркорлар, ишбилармонлар, хорижий ва маҳаллий инвесторлар диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги 185-сонли ҳамда 2003 йил 13 августдаги «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 350-сонли қарорларига асосан,

**ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ**

«OSIYO FOOD» ҳамда «Урай» акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги 25 фоиз давлат улуши акция пакетларини сотиш бўйича 2003 йил 26 декабрь куни соат 11.00 да танлов савдоси ўтказилишини маълум қилади.

**Ўтказиладиган танлов савдосининг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:**

«OSIYO FOOD» ҳамда «Урай» акциядорлик жамиятларининг 25 фоиз давлат улушини сотиб олиш бўйича танлов савдоларида иштирок этиш учун сотилиши белгиланган акция пакетларининг бошланғич баҳосидан 5 фоиз («OSIYO FOOD» акциядорлик жамияти акция пакети бўйича 3214,0 минг сўм ёки 3299,55 АҚШ доллари, «Урай» акциядорлик жамияти акция пакети бўйича 404205 сўм) миқдорида қўмитанинг ҳисоб рақамига кафолат маблағи тўлаш.

**Қўмита ҳисоб рақамлари: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тошкент шаҳар бошқармаси, ҳисоб касса маркази (21508000500600289001, МФО 00014, ИНН 201122696 махсус ҳисоб рақами ёки 21508840000600289002, МФО 00014, ИНН 201122696 махсус валюта ҳисоб рақами).**

- *сотилиш белгиланган 25 фоиз акция пакетини сотиб олиш учун энг юқори баҳони таклиф қилиш;*
- *акциядорлик жамиятини иқтисодий ривожлантириш бўйича бизнес-режа тақдим этиш;*
- *акциядорлик жамиятининг бюджет ва бюджетдан ташқари кредиторлик қарзларини, шу жумладан, эркин муомаладаги валюта қарзларини қоплаш;*
- *акциядорлик жамиятини қисқа (1-3 йил) муддатда янги технологик ускуналар билан жиҳозлаш ва молиявий аҳволини янада яхшилаш бўйича қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;*
- *хорижий корхоналар учун уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинганлигини (легализация қилинганлиги) тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим қилиш.*

Танлов савдосида иштирок этувчи сармоядорлардан таклифлар 2003 йил 25 декабрь соат 18.00 гача қабул қилинади.

Ўтказиладиган танлов савдолари шартлари бўйича қуйидаги манзилга, яъни: 700003, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитасига 139-22-50, 139-20-66, 139-21-81 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин.

8325Н/2637

**Корхона ва ташкилотлар диққатига!**

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) республика бошқармасининг **БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

*қуйидаги иншоотларга*

*танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади:*

| № | Иншоот номи | Тугатиш муддати | Буюртмачи охирги нархи (млн. сўм) |
|---|---|---|---|
| 1. | Ғиждувон туманининг С.Айний номли ширкат хўжалигидаги мактабни 600 ўқувчига мўлжалланган коллежга қайта таъмирлаш | 11 ой | 665,0 |
| 2. | Галаосиё шаҳридаги 1-сонли ҲТБЮни 450/100 ўқувчига мўлжалланган коллежга қайта таъмирлаш | 11 ой | 665,0 |
| 3. | Бухоро шаҳридаги индустриал-педагогик техникумини 600/100 ўқувчига мўлжалланган коллежга қайта таъмирлаш | 11 ой | 665,0 |
| 4. | Ғиждувон туманида 660 ўқувчига мўлжалланган 5-сонли мактаб қурилиши | 10 ой | 428,0 |
| 5. | Бухоро шаҳридаги 600/200 ўқувчига мўлжалланган автойўл коллежини қайта таъмирлаш | 12 ой | 855,0 |
| 6. | Олот туманидаги қурилиши тугалланмаган маданият уйини қайта таъмирлаб, педагогик коллежга айлантириш | 11 ой | 428,0 |
| 7. | Бухоро туманининг О.Убайдов номли ширкат хўжалигидаги мактабни коллежга мослаштириш | 11 ой | 608,0 |
| 8. | Қоракўл шаҳридаги тиббиёт билим юртини 300/50 ўқувчига мўлжалланган тиббиёт коллежига қайта таъмирлаш | 11 ой | 418,0 |

Буюртмачи — Бухоро вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.
Манзили: Бухоро ш., Навоий шоҳкўчаси, 5-уй. Телефонлар: 223-63-26, 223-62-17.
Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

9. Бухоро шаҳрининг Б.Нақшбанд кўчасида Бухоро вилояти божхона бошқармаси учун гараж (устахонаси билан) ва ёнилғи-мой материаллари омборхонаси қурилиши. Қурилишни тугатиш муддати — 6 ой.

Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти бўйича давлат божхона қўмитаси бошқармаси.
Манзили: Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд кўчаси, 352-уй. Телефонлар: 225-67-62, 225-71-11.
Қурилиш ишлари Давлат божхона қўмитаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари иншоотининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шунингдек, етарли ишчи кучи заҳираларига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Бухоро вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Бухоро шаҳар, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона.

*Телефон: 223-96-29, факс: 223-97-51.*

Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00дан 17.00гача қабул қилинади.

*Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 50 000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро ш., И.Мўминов к., 1-уй, вилоят ҳокимиятининг кичик залида, соат 10.00да.**

***Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига!***

«Давархитектқурилиш» қўмитасига қарашли республика пудрат савдоларини ташкил этиш бошқармасининг **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

*танлов савдосини эълон қилади.*



**Иншоот номи:**

1. **Қарши шаҳридаги Қарши давлат университетининг қурилиши тугалланмаган биносини 1200 ўринли академик лицей биносига мослаштириш.** Қурилиш ишларини бажариш муддати — 2004 йил август.

Буюртмачи — **Академик лицейлар қурилиш дирекцияси.**
Манзили: **Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 19-уй.**
Телефон: **226-06-48. Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат марказлаштирилган манбалари ҳисобидан амалга оширилади.**

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар, етарли ишчи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, «Хонобод» шоссеси, 5-уйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг Қашқадарё вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79.

**Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.**

*Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин савдо ташкилотчиси танлов савдоларини ташкил этиш бўйича вилоят филиали биносида ўтказилади. Манзил: Қарши шаҳри, «Хонобод» шоссеси, 5-уй.**

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

**ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР, БАРЧА НОДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОРЕЗИДЕНТЛАРИ!**

Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли қарорини бажариш мақсадида давлат тендер комиссиясининг 2003 йил 6 ва 27 октябрдаги мажлислари қарорларига мувофиқ тасдиқланган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул бериш бўйича **танлов савдоларини ўтказади.**



**Қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари 2003 йилнинг 25 декабрида бўлиб ўтади:**

1. **Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, «ТТЗ» даҳаси, 2-мавзе, Белоножко кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган, 9 қаватли (А ва Б блоклардан иборат), умумий майдони 5835 кв.метрга тенг бўлган, 1983 йилда қуриб ишга туширилган, 7-сонли ётоқхона биноси.**
2. **Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Самарқанд дарвоза» кўчаси, Аричний берк кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 2146 кв.метрга тенг бўлган, 1935 йилда қуриб ишга туширилган 29-сонли болалар боғчаси биноси.**

Агарда юқоридаги объектлар бўйича 2003 йилнинг 25 декабридаги танлов савдосига харидорлар томонидан аризалар тушмаган тақдирда, навбатдаги танлов савдоси 2004 йилнинг 6 январида бўлиб ўтади.

**Қуйидаги объект бўйича танлов савдоси 2004 йилнинг 6 январида бўлиб ўтади:**

- «Ўзсутгўштмахсусавтотранс» жамоа корхоналари автотранспорт концернининг Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Чоштепа» кўчаси, 381-уй манзилида жойлашган «Тошкент 3-автокорхонаси».

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ** Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларда муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни

*а) ариза ҳужжатлари тўплами; б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлари тўплами;*
*в) молиявий таклифлар ҳужжатлари тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатларнинг тақдим этилиши талаб этилади:*

- талабгорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг кафолат хати);
- тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси;
- олинаётган сармоя мажбурияти ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари; - бизнес-режа.

*Савдода қатнашиш учун харидорлар уч мустақил қисмга бўлинган таклифларни, алоҳида-алоҳида конвертларга жойлаб, муҳрлаб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссиясига топширадилар. Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижлик ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар 2003 йил 25 декабрь ва 2004 йил 6 январь кунлари, соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, яъни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Мовароуннаҳр» кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.*

**Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Мовароуннаҳр» кўчаси, 16А-уй.**
**Телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.**

## Хабарлар оқимидан

### «Футбол фестивали»га таклифнома

Яқинда Осиё Футбол конфедерациясидан Ўзбекистон Футбол федерациясига таклифнома келди. Унда ёзилишича, қитъа миқёсида ўтказиладиган "Футбол фестивали" мусобақаларига вакилларимизнинг иштирок этиши сўралган. Ёдингизда бўлса, бундан бир йил илгари ҳам Таиландда ташкил этилган турнирда 1988 йилда туғилган болалар қатнашган эдилар. Ўшанда Геннадий Денисов ва Виктор Моисеев шогирдлари "Футбол фестивали"нинг кумуш медалига сазовор бўлишганди.

Бу йилги беллашувларга 1990 йилда туғилган ўсмир футболчиларимизнинг бориши режалаштирилмоқда. Ҳозирча, ОФК баҳслар қайси мамлакатда ўтказилишини ва муддатини аниқлаганича йўқ.

**Ўз мухбиримиз.**

### Намунали шифо маскани

Пахтакор туманида фойдаланишга топширилган қишлоқ врачлик пункти нафақат тумандаги, балки вилоятдаги энг намунали тиббий масканлардан бири, деб топилди. А. Икромов номли хўжалик ҳудудида фаолият кўрсатаётган ушбу шифо масканида турли муолажалар ўтказиш ҳамда беморларга ташхис қўйиб, даволаш замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида амалга оширилади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Капиталнинг манфаатли қўйилмаси.
Бу сизнинг эртанги кунга ишончингиз.

**«ЎЗПРИВАТБАНК»**
**«Даромадли капитал»**
*омонатини тақдим этади.*



Омонат муддати — 3 ой.

Фоиз ставкаси — йиллик 36%.

Фоизлар ҳар ойда тўланади.

**«ЎЗПРИВАТБАНК» — ишончли банк!**

Манзил: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 51-уй.
Телефонлар: (998 71) 120-63-08, 139-10-18, 139-14-42. Факс: (998 71) 120-63-07.
http://www.uzprivatbank.com e-mail: bank@uib.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавнефтгазинспекция» жамоаси бошлиқ **Нодир Саматович РАМАЗАНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон радиоси «Ўзбекистон» канали «Ахборот ва спорт» муҳарририятининг катта муҳаррири Муяссар Саидхоновага волидаи муҳтарамаси **МАҲМУДАХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма илмий котиби, физика-математика фанлари доктори Н. Саидхоновга волидаи муҳтарамаси **МАҲМУДАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти жамоаси миллий жамият аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Жакбаровга волидаи муҳтарамаси **ҲАМРОХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси Ўзбекистон Миллий университетининг амалий физика институти директори Т. Мўминовга ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Космик тадқиқотлар маркази директори К. Мўминовга оналари **ОЙТЎРА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази жамоаси марказнинг Бухоро бўлими раҳбари **Лутфуллоҳ ҒУЛОМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# Сўз масъулияти унутилмаса

## шеър мукаммал бўлади, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим

**— Усмон ака, истеъдоднинг шаклланишида атроф-муҳитнинг ҳам таъсири муҳим. Сўрамоқчи бўлганим, ижод оламига кириб келаётган пайтларингизда кимлар сизга мададкор бўлишган, қўллаб-қувватлашган?**

— Менга хайрихоҳ бўлганлар кўп. Ўзимча душманим бўлмаса керак, деб хурсанд бўлиб юраман. Энди мени астойдил қўллаганларга келсак, шуни мамнуният билан айтишим керакки, шоир ва адиб Шуҳрат домла менга кўп ёрдам берган. Армиядалик чоғимда юборган шеърларимни журналларда нашр эттирган. Бўлмаса, менинг у кишига ҳеч қанақа қариндошчилик жойим йўқ эди. Илойим, жойлари жаннатда бўлсин.

**— Бир суҳбатингизда "Мен йигирма беш ёшимгача шеърларимни эълон қилмаганман" дегандингиз?**

— Ҳа, шундай. Чунки ёзаётганларимдан кўнглим тўлса-да, уни бировга кўрсатишга ийманардим. Жуда кўп ёзардим, уларни тарғиб этишга эса шошилмасдим. Ички истиҳола деймизми, ёки андишами, хуллас, ижод намуналаримни ўқувчилар ҳукмига кечроқ ҳавола қилганман.

**— Сиз айтаётган ана шу андиша, истиҳола бугун ижод майдонига кириб келаётганларда етишмаётгандек, назаримда.**

— Билмадим... Яқинда нуфузли нашриётлардан бирида чоп этилган шеърий китоб қўлимга тушиб қолди. Китобнинг муқовасини ҳавас қилиб томоша қиласиз, ниҳоятда юксак дид, юқори сифат билан ишланган. Аммо варақлагач... Маъносиз сатрлар, мантиқсиз хулосалар, фақат қофия учун хизмат қиладиган тумтоқ жумлалар... Уни ўқиб, кечирасиз-у, уялиб кетдим. Энг ачинарлиси, кейинги йилларда ана шундай китоблар кўп чоп этилмоқда. Ижодкорга, у яратган асарларга бундай енгиллик билан қараш эса китобхоннинг камайишига, "Шеърият деганлари шу экан-да!" дея китобдан кўнгли қолишига олиб келади. Шунинг учун ҳар қандай ижодкор, у ёшидан қатъи назар, китобхонга ҳаваскор даражасидаги нарсалар билан кўринмаслиги керак.

Яна бир хунук ҳолат, бундай "гўзал" тўпламлардан жой олган "шеър" дея аталмиш тизмалар ўз ижодига масъулият билан ёндашмайдиган, енгил-елпи хиргойиларни "қўшиқ" деб атайдиган хонандалар томонидан шовқин-суронли мусиқалар жўрлигида ижро ҳам этилади.

Яқинда машинада кетаётсам, FM тўлқинларидан ана шунақа "юлдуз"лардан биттаси куйлаяпти:

*У ёнга ташлаб ўйна,*
*Бу ёнга ташлаб ўйна.*
*Шундай озод*
*Ватанда*
*Дилингдан*
*жўшиб ўйна...*

Нима бу? Ватанни масхара қилишми? Йўқ, оҳанг, мусиқа яхши. Лекин Ватанни мадҳ этиш бунақа бўлмаслиги керак. Биз — асрлар мобайнида санъати, маданияти юксак шаклланган халқмиз. Ватан, она-юрт ҳақида бир умрга татигулик, сабоқ олишга арзигулик ашулаларимиз, ҳофизларимиз бўлган. Ҳозир ҳам бор. Ёш хонандалар ана шундай улуғ анъанага муносиб бўлишлари учун мактаб кўрмоқлари керак. Энг аввало, сўзнинг нелигини, унинг қадрини билишлари даркор.

**— Ижодингизни кузатиб, кейинги пайтларда Усмон ака назмдан насрга юз бурди, деган хулосага келгандекман.**

— Ижодкорнинг кўнглига Оллоҳ кўп фикрларни солади, эзгуликларни ниш урдиради. Нимадир дейишингга ундайди. Мен эса кўнглимдаги ана шу ҳолатларни ҳар икки жанрда ҳам ифодалаб келаяпман. Қизиғи шундаки, насрда бирор нарса ёзаман деб ўтирсам, миямга шеър қуйилиб келаверади.

**— Насрда битган асарларингиз ҳосиласи ўлароқ, "Алпомиш" ва "Севги" бадиий фильмлари суратга олинди. Ёзганларингизнинг ушбу экрандаги талқини хусусида нима дейсиз, улардан кўнглингиз тўлдими?**

— Кинолар ҳақида гапириш аслида соҳа мутахассисларининг иши. Мен бу ҳақда фақат шуни айтишни истардимки, томошабиннинг мазкур фильмлар ҳақидаги фикри ижобий. Айниқса, "Севги"ни мақташади.

**— Усмон ака, самимий суҳбат учун раҳмат. Энди бугунги мулоқотимизнинг якуний саволи: ҳаётингиздан мамнунмисиз?**

— Албатта. Тинч-осуда юртда, оилам, дўстларим даврасида, қайноқ ижод қиладиган даврда яшаяпман. Демакки, мамнунман, шукур...

**Мақсуд МИРЗО суҳбатлашди.**

## Мўъжиза

### Зармитан қатиғи

Қизилтепа туманида Зармитан деб номланган баҳаво қишлоқ бор. Одамлари содда, меҳнаткаш, меҳмонга қатиқ ичкизмай жўнатмайди. Ўзиям қатиқмисан қатиқ-да, таъми оғзингизда қолади. Қуюқлиги, кўп дардга даволигини айтмайсизми? Қизиғи шундаки, лим-лим тўлдирилган косани тескари тутсангиз ҳам, ундаги қатиқ тўкилмайди!

Хўш, унинг «сири» нимада? Айтишларича, қатиқни тайёрлаш жараёни билан кўпдан-кўп кишилар обдон қизиқишган, ўрганишган, амалда минг бора синаб кўришган. Аммо ҳеч бир «билимдон» ўша ҳолатдаги маҳсулотни ҳосил қила олмаган. Ҳатто қўшни қишлоқликлар ҳам ўша даражадаги қатиқ тайёрлаш имконини топишгани йўқ. Шу боисми, Зармитан қатиғи ҳақида ривоятлар кўп.

Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд бир неча йил Зармитан қишлоғининг Гулҳовуз деган чекка ҳудудида истиқомат қилибди. Унинг бисотида бир ғунажин бўлиб, ҳар куни эрталаб Зармитан томонга ҳайдаб юборар-кан. Қоронғи тушиши билан ўзи қайтиб келаркан. Сал ўтмай, у сигир бўлиб, сут бера бошлабди. Зармитанликлар сигирга ҳеч халақит беришмапти. Ўтлаб қолган кечки пайтларда ўзлари ҳайдаб келишиб, Баҳоуддин Нақшбанд боболари қўлларига топшириб кетишни канда қилишмабди. Ҳеч қачон кўнгилларига малол келиш фикри уйғонмабди.

Мана шу яхшиликлар эвазига, ҳазратнинг дуолари боис Зармитанда сут маҳсулотлари, айниқса, қатиқ шифобахш неъматга айланиб, таърифи етти иқлимга таралган экан.

Бошқа бир ривоятда айтилишича, жазирама иссиқ кунларнинг бирида ҳазрат Хизр бобонинг йўли Зармитанга тушибди. Озгина чарчоқни босиб ўтирганларида бир аёл ўтиб қолади. Шунда Хизр бобо аёлдан сув келтириб беришни сўрайди. Аёл эса ҳазратга сувни эп кўрмай, бир коса қатиқ келтириб узатади. Хизр бобо қатиқни сипқориб, чанқоғи босилгач, дуо қилибди. Шу-шу, Зармитан қатиғининг довруғи эл орасида машҳур бўлиб кетган эмиш.

Айтиш мумкинки, Зармитан қатиғи фақат шу қишлоққа хос, анъаналарига мос тайёрланадики, диёримизнинг ҳеч бир ҳудудида бундай хуштаъм, айни пайтда «сирли» қатиқни учратмайсиз. Зармитан қатиғи билан боғлиқ асл ҳикматнинг ўлмас моҳияти ҳам шунда.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ.**

# Қадимги Хитой ҳикматлари



***Кўҳна Хитой донишларининг ҳикматлари ҳаёт ҳақидаги ҳақиқатни образлар, табиат ташбеҳлари мисолида баён этиш билан алоҳида ажралиб туради. Улар кишининг ички дунёсига, ҳеч қандай мақтовга муҳтож бўлмаган сокин ва одил руҳиятига қаратилган.***

* * *

Агар хонадонда ҳаддан зиёд зиёфат бўлса, у яхши хонадон эмас. Агар ёшлар бутун куч-қудрати билан шоншуҳратга интилса, улар яхши ёшлар эмас. Агар фуқаро унвон, мукофот ҳақида кўп ўйласа, у яхши фуқаро эмас.

* * *

Ўн тангани кўрганда қиёфаси ўзгарадиган киши кичик шаҳарни ҳам бошқаришга муносиб эмас. Юз тангага ўзгарадиган одам ўз ортидан қўшинни олиб кетолмайди.

* * *

**Тоғларга беркинган қароқчиларни топиш осон. Юракка яширинган қароқчиларни фош этиш мушкул.**

Маърифатхона

**Ёвузликка қўл урмай, одамлар томонидан қораланиш — эзгулик қилмай, бошқалар томонидан мақталишдан яхшироқдир.**

* * *

Умумнинг янглишиши туфайли ўз ҳақиқатингдан юз ўгирмаслик лозим. Шахсий мулоҳазага таяниб, ўзгалар сўзини рад этиб бўлмайди. Хусусий манфаат учун умумий фаровонликка зарар етказиш мумкин эмас.

* * *

**Аждодлардан етиб келган эзгуликлар — бу улардан қолган меросдир. Уни жамлаш қанчалик қийин бўлганини унутмаслик лозим. Авлодлар фаровонлиги — булар менга боғлиқ. Уни йўқотмоқ қанчалик осон бўлганлигини унутмаслик лозим.**

* * *

Руҳи уйғонган кишилар сўзи назокатлидир. Донишмандлар сўзи содда. Муносиб кишилар сўзи аниқ-тиниқ. Чакана одамлар нутқи кўп сўзли. Арзимас одамлар нутқи ўта зерикарли.

* * *

**Осмон бутун оломонни гумроҳликдан уйғотиш учун бир кишига донишмандлик ато этади. Ҳаётда одамлар, аксинча, ўз фазилатларидан бировларни жазолаш йўлида фойдаланишади. Осмоннинг қаҳрига лойиқ кишилар, деб шуларни айтади.**

* * *

Хотиржам муҳитдаги хотиржамлик ҳақиқий хотиржамлик эмас. Ҳаракат пайтида хотиржамликка эришсанг, унинг ҳақиқий маъносини англайсан. Хурсандчилик ичидаги хурсандчилик — чин шодлик эмас, ғамгинликда қувончга эришолсанг, қалбнинг самовий эркинлигини ҳис этасан.

* * *

**Агар сен ишончли киши сифатида танилган бўлсанг, ҳатто ёвуз одамни ҳам алдама. Агар кучинг кўплиги билан ажралиб турсанг, уни кўрсатиб мақтанма. Фазилатли бўлсанг, ўзгалар камчилигини ахтараверма. Мабодо бирор қобилиятинг бўлмаса, бошқаларга ҳасад қилма.**

**Рустам БОЙТЎРА тайёрлади.**

# GURUNG



## Зардўз

*Зарчопонлар, кашталар, зардўппилар Бухоро зардўзлиги санъати наъмуналари ҳисобланади. Айниқса, зарбоф чопонлар қуёш нурида товланса борми...*

*— Бухоро зардўзлиги санъатини биз ҳам пухта эгаллаб олганмиз, — дейди пойтахт вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи тадбиркор Башорат Нуруллаева. — Тикаётган кийимларимиз, кашталаримиз ёшларга, айниқса, келинчакларимизга манзур бўлаётир.*

*Фақат бугина эмас. Башоратхон нафақат опа-сингиллари, балки ўндан зиёд қишлоқ қизларига Бухоро зардўзлиги санъатини қунт билан ўргатаётир. Бу борада унинг «Ташаббус» республика кўрик-танловларида иштирок этиб, муҳим тажриба орттиргани қўл келмоқда.*

**СУРАТДА: зардўз Башорат Нуруллаева.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# «Тинчгина ухлашни хоҳлайдиган одам»

Фельетон

"Ҳақиқатчи" газетасининг ижтимоий бўлимида икки киши ўтирибди. Бири – бўлим мудири, тўладан келган, ғуппа семиз. Кўп еганидан эмас, кўп ухлаганидан семириб кетган, дейишади. Иккинчиси – жамоатчи мухбир. Ўта кетган даражада ориқ, қотма, кам еганидан эмас, оёқни қўлга олиб кўп югурганидан озиб кетган, дейишади. Хуллас, келишиб айтадиган бўлсак, хонада ҳақиқатчи устоз билан ҳақиқатга талпинувчи шогирд ўтирибди. Устознинг қошлари чимирилиб бораяпти, демак, ўқиётган нарсаси жуда-жуда ҳам муҳим.

Ниҳоят, устоз бошини кўтарди:

– Мелиционер тўғрисида, экан-да?

Шошилинч жавоб қайтди:

— Ҳа, устоз, участка мелиционери хусусида.

– Мана буларингиз нима?

– Тилхатлар...

– Тилхат?!

– Ҳа, чоллар, аёллар, тадбиркор йигитлар унинг устидан дод, деб ёзиб беришган.

– Нима бало, олармикан?

– Мана бунисини кампирлар ёзиб беришди.

– Олармикан, деяпман?

– Бермаганни бўлар-бўлмасга сўроқ қилаверар экан.

"Шунчаликка бориб етган бўлса, орқасида одами бор унинг, – енгилгина қўрқув вужудини титраб ўтди ҳақиқатчи мудирнинг, – эҳтимол, полковник Ҳакимовнинг одамидир... Йўқ, йўқ. Тинчгина ухлаганим яхши".

– Менга қаранг, ука, – деди мудир ҳорғин овозда. Кейин ғоят фойдали насиҳатлар қила бошлади. – Жанжалли ишларга бўлар-бўлмасга аралашавериш ёш мухбирни нобуд қилиб қўйиши ҳеч гап эмас.

– Хўп бўлади, – деди ёш мухбир маъюс тортиб.

Эртасига, эҳтимол, бир ҳафтадан кейиндир, ҳақиқатчи мудир билан ёш мухбир яна учрашдилар. Яна аввалги ҳолат. Мудирнинг пешонасидаги тиришлари қуюқлашиб, кўзлари қисилиб, бўйни елкасига чўкиброқ бораяпти. Шогирд умидвор ҳолатда тикилибгина ўтирибди.

– Шунақа денг, – деди мудир ниҳоят ўқиётган матнидан бошини кўтариб.

– Э, – ҳаяжонланиб гап бошлади ёш мухбир, — ҳалиям ҳаммасини ёзганим йўқ. Бозорда биттаям деҳқон йўқ. Нуқул олиб-сотарлар хўжайин. Паттачилар — бозорқўмнинг катта-кичик жиянлари 140 та қадоқ тошнинг тагини эговлаб қўйганлари билиниб қолибди.

– Бу гапларни қаердан олдингиз? – сўради мудир.

– Солиқ инспекторидан, — жавоб қайтарди ёш мухбир.

– Бозорқўмнинг кимлигини биласизми?

– Биламан, ўғли "Мерседес" ҳайдайди.

– Йўқ, укам, билмас экансиз. Мабодо фалокат босиб мана шу мақолангиз чиққанда, унинг кимлигини ана ўшанда билардингиз. Бу одам истаса, сиз билан менга нон бериб турган газетани ёпиб қўйиши, истаса, солиқ инспекциясини тарқатиб юбориши мумкин.

– Ахир ўзингиз ҳақиқатни ёзиш керак, девдингизку?

– Ҳақиқат хар хил бўлади, укам. Мана, масалан, айтайлик, бир аёл беҳад даражада хунук. Хунуклиги – ҳақиқат. Лекин олдига бориб сен хунуксан, деб кўринг-чи, нақ қулоғингизнинг тагига тарсаки туширади.

– Ахир, устоз...

– Хайрият фалокатнинг олдини олиб қолдик, агар чиқиб кетганда борми... Ҳақиқатни ёзиш керак, тўғри. Лекин тунда уйқуни безовта қиладиган ҳақиқатни эмас... Келишдикми?

– Ҳа, энди, – секингина деди шогирди.

Оллоҳ ҳақиқатчи устозга оромли уйқуни, шогирдига бедорликни насиба қилиб қўйган экан. Ҳар бири ўз насибаларига эга бўлиб, яшашар эди. Кунлар бир бирини қувлаб ўтиб ҳам турарди. Кунларнинг бирида бетоқат мухбир боғчада болаларнинг насибасини туя қилаётганлар ҳақида "ажойиб" бир материал олиб келди.

– Укам, шу туманда яшамоқчимисиз? – сўради устоз.

– Албатта, яшамоқчиман – шошилиб жавоб қайтарди шогирди.

– Агар яшамоқчи бўлсангиз, бу опага тега кўрманг, дея маслаҳат берди устоз.

Аммо ёш мухбирнинг қулоғига устознинг ҳамма айтган гаплари ҳам киравермас экан. Бошқа бир куни яна бир уйқуни қочирадиган материал кўтариб келди. Туман марказида очилган тикувчилик цехининг 90 фоиз материали сотилмаётган эмиш... Бунга ўхшаш хавфли материаллар келаверди. Бўлим мудири ақлли, фаросатли бўлгани учун юз бериши мумкин бўлган фалокатнинг олдини олиб бораверди. Аммо шогирд тиниб-тинчимасди. Қандай бўлсаям газета саҳифасида ўз фамилиясини кўргиси келарди. Киши яхши ният қилса, Оллоҳ сўраганини берар экан. Ва ниҳоят, устознинг уйқусини қочирмайдиган, ўқимишлигина бир факт ҳам топилиб қолди.

Тўсатдан, қишлоқдан қайта туриб, бир гуруҳ болаларнинг қийқириғига дуч келиб қолди. Бир ўсмир энгашиб турган бошқа бир ўсмирни миниб олган, нарироқда яна бир ўсмир яна бир ўсмирни энгаштириб миниб олган. Оралари 10 метр чамаси. Бир-бирларига бошларидаги дўпписини отишаяпти. Отганда тўпланган болаларда бир қийқириқ, илиб олса, бир қийқириқ, илолмаса яна қийқириқ, қарсаклар.

– «Эшакминди» ўйини бу, – энтикиб деди ёш мухбир. Беҳад даражада завқланиб ҳам кетди. Болалигида бобосиникига борганда ўзиям роса ўйнаган, роса маза қилган эди. Ўша пайтда олган завқу қувончи ҳозиргисига қўшилиб юракларни ўйнатиб юборди, энтикиб кетди.

– Ёзаман, ҳозироқ ёзаман! – дея уйига қараб югурди.

Олимлар физикада тенг тарқалиш қонуни бор, дейишади. Қозонга бир чимдим туз ташланса, бир зумда бутун қозонга тарқалиб кетаркан. Одамларда ҳам шунга ўхшаш бир қонун борга ўхшайди. Ғазаб ҳам, қувончу шодлик ҳам қаршисидаги кишига зудлик билан ўтиб кетар экан.

– Э, бормисан, ука! – деди бўлим мудири шогирди келтирган материални ўқиб чиққач. Кейин севинганидан қувончини ичига сиғдиролмай, шогирдини бағрига босиб, пешоналаридан ўпди. Устоз шогирди ҳеч кимни безовта қилмайдиган беғубор янгилик топиб келгани учун, шогирди ниҳоят фамилияси газетада чиқиш эҳтимоли туғилгани учун қувонар, энтикар, бир-бирларини табриклаб, бир-бирларини ўпишар эди.

– Йўқ, якшанба сонини кутиб ўтирмаймиз. Бугуноқ номерга берамиз, – деди мудир.

Лекин янги топилган ўйиннинг номига иккиланиб қолишди. "Эшакминди" ўйини десак, қалай бўлар экан ёки "Дўппиотар" ёки "Йиқилса йиғламас" деб ном қўйсакмикан, дея анчагина фикрлашди. Мудирда миллатпарварлик руҳи кучлироқ эди. Шунинг учун миллий қадриятларни бўлар-бўлмасга ўзгартираверниш яхши эмас, деган фикрни айтди...

Мудирнинг айтгани айтган экан.

"Ҳақиқатчи" газетасининг якшанба сонида "Эшакминди" ўйини тафсилоти бир саҳифа бўлиб босилиб чиқди.

Кўрган, эшитган одамларнинг айтишича, ўша кунлари ҳақиқатчи мудирнинг уйқуси яна ҳам ҳаловатли, яна ҳам ҳузурбахш бўлганмиш.

**Худойберди ТЎХТАБОЕВ.**

Янгисидан

# Кемага тушганнинг жони бир



— Кетингга бир тепаман, ачангни уйига бориб тушасан!

— Сизга нима ёмонлик қилдим, амаки?

— Оғзингдан сутнинг ҳиди кептурибди-ю, маҳалланинг сартарошидек сиполигингга куяйми?

— Нима қил, дейсиз?

— Тўпалон кўтар. Ҳеч бўлмаса, ҳуштак чал.

— Чалардим-у, кеча тишим тушган-да.

— Унда бақирсанг-чи, мараз!

— Нима деб бақираман?

— Ҳў ўртада ўралашиб юрган қора кийимли ишбузуқини кўряпсанми? Ана ўша хумпарнинг шаънига куракда турмайдиган бир-иккита гап айт. Масалан, мана бундай дегин. Қани, қулоғингни тут-чи...

— Вой ву-у-й! Бунақа дейиш уят бўлади-ку!

— Ланж бола экансан! Ғирт ландавур экансан! Қўлингдан ҳеч вақо келмаса, орамизга суқилиб нима қилардинг? Ҳозир кетингга бир тепаман...

— Намунча ёпишиб олдингиз, амаки? Нима, «Пахтакор» ютқазаётган бўлса, айб мендами?

## Нокдаун

Пиёниста деманг мени. Боксчиман. Чертсам, шайтонлаб қоласиз. Лекин оддий фуқароларни нокаут қилиш машҳур спортчиларнинг обрўйини пастлатади, холос. Яратганга шукурки, мениям ҳозирча обрўйим баланд.

Бойқораевни биларсиз? Боксдан Осиё чемпиони бўлди... Телевизорда кўрганман денг? Зўр, а? Мен ўша зўравонни бир пайтлар шунақаям савалаганманки, шунақаям савалаганманки! Боёқиш қайтиб рингга чиқмаса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, боланинг асаби метин экан.

Ундан кейин Зуфаровни дўппосладим. Шамаевни эса, биринчи раунддаёқ... Хех-хех-х...

Энди кимлигимни билиб олгандирсиз? Ҳа, мен ўша машҳу-у-р... Умуман, кимлигимни айтиб ўтиришим шарт эмас.

Хуллас, яхши иш бўлмади. Арзимаган чиптани суриштириб, мендек зотни бир автобус одамнинг орасида хижолат қилиб ўтирибсиз-а, кандўхтир ака?

## Ашаддий «ишқибоз»

— Ҳов, Эшматов, оёғингга бир нарса бўлганми, ука? Ё оёғинг қийшиқми? Э, сенам бўлмадинг, Раҳматов! Ким айтади сени терма жамоада ўйнайди деб. Иҳ! Ҳов, Алиев, юрагимни ишдан чиқармоқчимисан, ука? Тўпни у ёққа тепгунча мени юзимга тепмайсанми, ука!

— Ака, кечирасиз-у, қайси жамоанинг мухлисисиз ўзи? У жамоага тўп тушса ҳам бақирасиз, бу жамоага тўп тушса ҳам...

— Ишинг нима? Нечта лотерея олгансан ўзинг? Иккита? Унда жим ўтиравер. Бизда бир пачкаси бор, ука. Бу қурғурларнинг тепган тўпларини кўрмайсанми, индамасанг, тўпни бизга ютуққа чиқадиган машинага тепишиб, расво қилишади.

**Анвар ОБИДЖОН.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 00172. 21378 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.00 1 3456